

ЧЕГАРАЛАНМАГАН ФЕЪЛЛАР БИЛАН ПЕРФЕКТ ШАКЛИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Эгамбердиева Жамила
СамДЧТИ магистратура талабаси

Таянч сўзлар: перфект, тугаллаганлик/тугалланмаганлик, процессуаллик, статал, чегараланган/чегараланмаган, аспектиал вазиятлар, темпорал кўрсаткичлар.

Мазкур мақоланинг мақсади - перфект шаклининг аспектиал, яъни тугаллаганлик/тугалланмаганлик (тур, аспект) семантикасининг ушбу шаклда қўлланилаётган феълнинг акционал (чегараланган/чегараланмаган) маъносига боғликлигини кўрсатишдир.

Маълумки, чегараланган феъллар перфект шаклида доимо тугалланган, ўз ички чегарасига етган жараёнларни ифодалайди (қаранг: [Ризаев 2003]). Чегараланмаган феъллар билан ташкил топган перфект шакли аспектиал жихатидан турли вазиятларни ифодалаши мумкин.

Ҳозирги замон немис тилида акционал жихатдан барча феълларни учта гуруҳи ажратилади: чегараланган, чегараланмаган ва лимитатив нейтрал, яъни икки хусусиятли феъллар (қаранг: [Andersson 1978]). Бундан ташқари, айрим тилшуносларни фикрича чегараланмаган феъллар орасида оддий чегараланмаган ва ултра чегараланмаган феълларни ҳам ажратиш мумкин (қаранг: [Балин 1968]).

Оддий чегараланмаган феъллар қаторига ҳаракат, ҳолат, жараённинг чегарасиз оқимини билдирувчи *arbeiten* (ишлаш), *wohnen* (яшаш), *wandern* (сайр қилиб юриш) каби феълларни киритсак, ултрачегараланмаган феъллар қаторига эса фақат жисмоний ва руҳий ҳолатни англатувчи *liegen* (ётиш), *sitzen* (утириш), *sich langweilen* (зерикиш), *ähneln* (ўхшаш), *gehören* (тегишли бўлиш), *aussehen* (кўриниш) каби феълларни киритишимиз мумкин.

Бизни материалimizда перфект шаклида қўйидаги чегараланмаган феъллар учради:

а) субъектни ҳолатини ифодаловчи феъллар: *schlafen* (ухлаш), *warten*, *erwarten*, (кутиш), *brennen* (ёниш);

б) субъектнинг мавжудлигини билдирувчи феъллар: *sein* (бўлиш), *wohnen* (истиқомат қилиш), *leben* (яшаш);

в) мақсадсиз юриш-ҳаракат маъносини англатувчи феъллар: *tanzen* (рақсга тушуш - ўйнаш), *schleichen* (яширинч юриш), *wandern* (сайр қилиш).

Келтирилган феъллар билан жумлаларни таҳлили бўйича шуни таъкидлаш мумкинки, чегараланмаган феъллар перфект шаклида турли аспектиал вазиятларни ифодаланишида қатнашиши мумкин. Чегараланманган феъллар билан перфектли вазиятлар кўйидаги турларга булинади:

1. Процессуал аспектиал вазиятлар. Буларни семантик хусусиятлари шундан иборатки, уларда ўтмишда содир бўлган бир қандай жараённинг оқими энди мавжуд эмаслиги ифодаланиб, кўзатув нуқтаси жиҳатидан жараённинг оқими кўзатилмайди. Масалан:

(1) Er hat getanzt, aber nur Walzer (Strittmatter. Ole Bienkopp) -

(1a) U raqsga, lekin faqat valsга tushardi;

(2) Dort hat Wilm als Kriegsgefangener gelebt und gearbeitet (Strittmatter. Ole Bienkopp) -

(2a) Vilm u yerda harbiy asir sifatida yashab, ishlagan;

(3) Franz Bummel hat nur auf Bienkopps Entschluß gewartet (Strittmatter. Ole Bienkopp) -

(3a) Frans Bummel faqat Bienkoppning qarorini kutayotgan edi;

(4) Bienkopp hat in solchen entscheidenden Nächten schon auf blanker Erde geschlafen (Strittmatter. Ole Bienkopp) -

(4a) Bienkopp allaqachon shunday hal qiluvchi kechalarda yalang'och tuproqda uxlagan;

(5) Dann hat wohl euer Gott auch Alfons Frühstück in der Hand gehalten (Strittmatter. Ole Bienkopp) -

(5a) Shunda Xudoyingiz ham Alfonsning nonushtasini qo'lida ushlab turgan bo'lsa kerak;

(6) Angrett hat hier ein Haus mitbesessen (Strittmatter. Ole Bienkopp) -

(6a) Angrett bu yerda uyga egalik qiladi;

(7) Er hat früher Umgang mit hohen und höchsten Herrschaften gehabt (Strittmatter. Ole Bienkopp) -

(7a) U ilgari oliy va oliyroq hukmdorlar bilan aloqada bo'lgan.

2. Чегараланмаган феъллар билан перфектли аспектиал вазиятларда чегараланган статал (процессуал) ҳаракатлар ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан:

(8) Sie hat erst gewartet, bis man ihr ein Brevier durch die Rippen blasen konnte (Höpfner, 27).

(8a) - U birinchi navbatda kimdir qovurg'alari breviary orqali puflaguncha kutdi (Höpfner, 27).

Перфектли аспектиал вазиятларда учрайдиган пайт курсатқичлари қойида тариқасида, жуда муҳим вақт майдонини қамраб олади ва улар кўпроқ жараённинг давомийлигини ифодаловчи актуализатори ҳисобланади. Масалан:

(9) Verhunzt und ruiniert, wofür wir fünf Jahre unseres Lebens gearbeitet haben (Reimann). -

(9a) Besh yil davomida ishlagan ishimizni chalkashtirib yubordik (Reimann).

Шуни таъкидлаш керакки, чегараланмаган феъллар билан перфектли вазиятларда бошланғич маънони билдирувчи plötzlich, dann, und каби кўрсаткичлар учрамайди. Перфектли вазиятларда учрайдиган dann ва und боғловчилар бошланғич маънони англамайди. Масалан:

(10) Dann sind wir weggegangen, und die Mutter hat geweint (Brežan); -

(10a) Keyin biz ketdik va ona yig'ladi (Brežan);

(11) Ich musste ganz schön unständige Handbewegungen dabei machen, damit der andere verstand. Aber dann hat er gelacht, dass ihm die Tränen heruntergekollert sind (Kain). –

(11a) Boshqa odam tushunishi uchun men juda noqulay qo'l harakatlarini qilishim kerak edi. Ammo keyin u ko'z yoshlari chiqanicha kuldi (Kain).

Бу мисолларда, бизнинг фикримизча, ҳаракатларни таксис маънода ифоаланиши, яъни айрим “кадрлар” кетма-кетлиги амалга оширилади. Уларнинг ҳар бири “бўлиб ўтган факт” сифатида тақдим этилади ва боғловчилар вақат пайт хусусиятларини, яъни бир вақтни ўзида, кетма-кетлик, бирин-кетин ёки қўшимча тарзда сабаб-оқибат муносабатларни таъкидлайди.

Шундай қилиб, чегараланмаган феъллар билан шаклланган перфектли вазиятларни 1) тугалланган статал (процессуал) ва 2) чекланган статал (процессуал) вазиятлар сифатида тавсифлаш мумкин.

Адабиёт

Andersson S. -G. Aktionalität im Deutschen. Eine Untersuchung unter Vergleich mit dem russischen Aspektsystem. II. Korpusanalyse. Mit einem Exkurs über Aktionalität im deutschen Verbalformsystem. Uppsala, 1978.

Балин Б. М. Аспектологический контекст (лингвостатистический очерк) // Учен. Зап. Владимирского пед. ин-та. Сер. Иностранные языки. 1968. Т. 55. С. 15-21.

Ризаев Б.Х. Аспектная семантика перфектных и плюсквамперфектных форм немецкого глагола. – Самарканд: Сам ЖГИИЯ. 2003.

Brežan J. Gymnasiast. Aufbau-Verlag, Berlin und Weimar, 1985.

Höpfner J. Tote Tauben. Verlag Das neu Berlin, 1982.

Kain F- Der Weg zur Ödensee. Aufbau-Verlag, Berlin und Weimar, 1983.

Reimann B. Franziska Linkerhand. Verlag Neues Leben, Berlin, 1985.

Strittmatter E. «Ole Bienkopp». Moskau, Verlag „Progress“, 1980